

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**Зоотехния, хайвонлар
генетикаси ва урчитиш**

5410600- Зоотехния (тормоқлар бўйича)
таълим йўналиши 2 босқич 213 – гуруҳ талабаси
Каримов Хасан

КУРС ИШИ

**Мавзу: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ
ЭКСТЕРЬЕР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Максимал балл

Ёзгани учун балл

Текширди: _____

Ишнинг безатилиши балл

Химояси учун балл

Комиссия аъзолари _____

САМАРҚАНД- 2012

Мавзу: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ЭКСТЕРЪЕР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ (бир зот асосида).

Кириш

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлиб, кишилар истеъмоли учун гушт сут ёғ тухум асал ва бошқа махсулотлар етиштириб беради. Саноат хом- ашё сифатида чорвачилик тул, тери, мўйна, тивит, пар, пила, кил, килтик, етиштириб беради.

Ватанимизда аҳолии сони йилдан йилга ошиб бормокда. Хозир Республикамизда 25 млн ошқ аҳоли яшайди. Йиллик ўсиш 300-400 минг кишини ташкил килмокда. Демак аҳолии сонини ортиши уз навбатида озика махсулотиға булган талабнинг тобора ошишиға олиб келади. Бу талабни кондиринида чорва махсулотлари етиштириниш кўпайтириниш катта аҳамиятға эға. Чорва моллари ва паррандалардан олинадиган гунг усимликлар учун кимматли органик угит сифатида фойдаланилади.

Ҳайвонлар арзон ва туйимлилиги кам булган усимлик озикаларини кишилар истеъмоли учун зарур булган кимматли махсулот ва саноат учун керакли булган хом ашёға айлантинириб беради. Демак чорвачилик дехкончилиқ Билан бевосита боглангандир. БУ икки тармокли тугри боглаб бериш, усимликлардан юкори хосил олишға ва ҳайвонлар махсулдорлигини оширинишға олиб келади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва шу жумладан чорвачилиқ ҳам иктисодий ислохотлар асосида ривожланиб бормокда. Мулкчилиқнинг Янги моллари жамоа, хиссдорлик ташкилотлари ширкат хўжалиқлари дехкон фермер уюшмаси ва дехкон фермер хўжалиқлари кўпайиб бормокда.

Ўтказилаётган ислохотларнинг асосий максади, устивор йуналиши - мамлакатимизда мулдор синифни шакллантиринишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида жумладан чорвачилиқда ҳам эндиликда мул ҳақиқий эғаси кулиға утиши кераклиги янада долзарб вазиғалардан бири бўлиб келмокда. Кейинги йилларда чорвачилиқ билан шугулланадиган жамоа, хиссдорлик жамятлари, дехкон фермер хўжалиқлари ва шахсий фермерларға ракобатлашиб ишлаш учун бир хил ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу тугрида бир канча президент Фармонлари, ҳумат қарорлари ва қонунлар қабул қилинди.

Уларда бозор муносабатлари шароитида чорвачилиқда пайчилиш ишларини яхшилаш асосида чорва молларни махсулдорлигини ошириниш хўжалигини кўпайтириниш соҳасини барқарор ривожлантириниш асосий мақсад қилиб қуйилган. Чорва молларини урқитиш фанини урганишининг максади вазиғалари ва бошқа фанлар билан боглиқлиги?

Чорвачилиқнинг назарий асоси зоотехния фани бўлиб ҳисобланади. Зоотехния - уй ҳайвонларини урқитиш, боқиш, тарбиялаш ваулардан тугри фойдаланиш, шунингдек уларнинг наел сифатини ва махсулдорлигини

ошириш тугрисидаги фандир. (Бошқача килиб айтганда зоотехния - чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жараёни технологияси назариясидир. Яъни зоотехния хайвонларни илмий асосда тарбиялаш, яхшилаш ва улардан фойдаланиш тугрисидаги таълимотдир).

Зоотехния умумий ва хусусий қисмларга бўлинади. Умумий зоотехния ҳар хил турларга қиравчи хайвонларнинг биологик ва ҳўжалик хусусиятларни билиш асосида қишларнинг хайвон организмга таъсир қилишининг умумий принциплари ва усулларни урганади ва ишлаб чиқади. Ёки умумий зоотехния наеллик ишининг ҳама ҳўжалиу хайвонлари учун умумий булган принцип ва усулларни урганади.

Умумий зоотехния уз навбатида қишлоқ ҳўжалик хайвонларини озиклантириш, урчитиш ва гигиена фанларига бўлинади. Хусусий зоотехния ҳар хил чорвачилик тармоқларидаги (қорамолчилиқ, қуйчилиқ, йилкичилиқ, қучқачилиқ паррандачилиқ ва х.з.) Технологик жараёнларнинг принцип ва усулларини ургатади. Бунда ҳар хил зотларга мансуб булган хайвонлардан қонкрет тиббий шароитларда фойдаланиш назарлда тутилади.

Қишлоқ ҳўжалик хайвонларини урчитиш фани чорва молларининг қўпайтириш уларнинг сифатини яхшилаш. наслчилиқ ишининг назарий ва амалий асосларни яратиш ва шунингдек қишларнинг уй хайвонларига таъсир қилиш йулларини ишлаб қикиш билан шугулланади. Яъни бу фан уй хайвонлари эволюциясини бошқариш тугрисидаги фандир унинг назарий асоси гинетика фани бўлиб ҳисобланади. Бу фанни ўрганишда жуда қўп биологик фанлар ютуқларидан ва чорвачилиқ тажрибасидан фойдаланилади.

А С О С И Й Қ И С И М

Иш услуби: Курс ишининг асосий мақсади, маълум бир ҳайвон зоти мисолида хайвонларнинг экстерьер хусусиятларини қўз билан қамалаб баҳолаш ёрдамида, балл тариқасида тана ўлчамлари, тана тузилиши индекслари ёрдамида баҳолашни ўрганишдан иборат.

Ҳайвон организмини қўз билан қамалаб баҳоланганда 10- 15 бошдан 2 гуруҳ маълум бир ёшдаги ҳайвон олинади ва баҳолаш натижаси қуйидаги қуринишда берилиб таҳлил қилинади.

Қора-ола зот

Мамлакатимизда чорвачилиқни хусусан қорамолчилиқни барқорор ривожлантиришда Президент И.А.Қаримовнинг 2003 йил 27 сентябрдаги «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармон ва 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастур ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг турли тоифадаги ҳўжалиқларида қорамоллар бош сони йилдан-йилга қўпайиб бормоқда. Республика қишлоқ ва сув ҳўжалиқ вазирлигининг 2007 йил 1 январгача чорвачилиқнинг ҳолати тўғрисида бўлган маълумоти бўйича, қорамоллар

бош сони 6,5 млн бошга яқин, шундан сигирлар бош сони 3,0 млн бошдан ортиқ. 2003 йилга нисбатан қорамолларнинг бош сонини ўсиши 994,4 минг бошни, яъни 10% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич сигирларда 618 минг бош, ёки 26%га тенг. Гўшт ишлаб чиқиш 1,1 млн тоннадан ортиқ бўлиб, 2003 йилга нисбатан 173,3 минг тонна, ёки 18,5% кўпдир. Сут ишлаб чиқиш 5,3 млн тонна бўлиб, 2003 йилга қараганда 1,3 млн тонна ёки 31,8% кўп бўлган.

Шуниси диққатга сазоворки, мавжуд қорамолларнинг 96,6 ва сигирларнинг эса 95,2%и, ишлаб чиқарилган гўштнинг 66,3 ва сутнинг 98,3%и айнан фермер ва деҳқон хўжаликлари зиммасига тўғри келади. Демак, яқин келажакда республикада қорамолчиликни ривожлантириш хўжалик субъекти бўлиб фақат деҳқон ва фермер хўжаликлари қолади. бу эса лмий ходим ва мутахассислардан, деҳқон ва фермер хўжаликлари технологик шароитида сут ва қорамол гўшти ишлаб чиқаришни самарали йўллари аниқлаб беришни талаб қилади. ана шундан келиб чиққан ҳолда урчитилаётган қорамол зотларининг насл, маҳсулдорлик, пўштдорлик ва бошқа хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикаимиз хўжаликларида урчитилаётган қора-ола зотли қорамоллар ўзининг бош сони (41%дан ортиқ) ва сигирларининг сут маҳсулдорлиги жиҳатидан урчитиш учун режали ҳисобланган зотлар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

Қора-ола зотига мансуб моллар республикаимизнинг барча вилоятларида урчитилади. Умумий сонига нисбатан, асосий қисми Тошкент, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида, 10 фоиз атрофида эса Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида урчитилади. Бу зот голланд зотини маҳаллий моллар билан чапиштиришдан келиб чиққан. У Республикаимиздаги урчитиладиган қорамолларнинг жами сонига нисбатан 41 фоизини ташкил этиб, маҳсулдорлиги ва бош сони жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистоннинг бази туманларига қора – ола моллар ўтган асрнинг 80 йиллардан бошлаб келтирила бошлаган. Бу вақтларда асосан моллар шахсий одамлар томонидан келтирилиб, асосан сигир ва ғуножинлар, баъзи ҳолларда эса насли буқалар сотиб олинган.

Кўпинча бу моллар ўлиб кетган. Қон касалликлари ва иқлимланишга мослашган айрим моллардан, маҳаллий моллардан кескин фарқ қиладиган яхшиланган авлод гуруҳлари қолган. Булардан сифати ва бош сони бўйича катта аҳамиятга эга бўлган Тошкент вилоят молларидир.

Тошкент вилояти моллари қора – ола ва олатов молларининг маҳаллий моллари билан дурагайларидан ташкил топган.

Узоқ танафусдан кейин 1934 – 1935 йилларда Ўзбекистонга, асосан Тошкент вилоятининг товар фермаларига қора – ола молларни келтириш яна бошланди. Моллар Волгаград обласити, Ғарбий Сибр ўлкалари ва Саратов областларидан келтирилган. Қисман насли буқалар Волгаград ва Архангельски шаҳарларидан келтирилган.

1935 йили келтирилган қора – ола моллар ва уларнинг дурагайлари учун Тошкент вилоятида қора – ола зот Давлат наслчилик заводлари ташкил этилди. Бу заводда Тошкент ГПР зонасида лактация даврида сути 2000-2500 кг, сутининг ёғлилиги 3,5 % бўлган. 400 - 450 кг тирик вазндаги, 1000 бош қора – ола зот моллари бор эди. Бу молларнинг кўпчилиги машҳур насли буқалар Саратовнинг Энгльс ГПР дан келтирилган. (Юниус, Лендер, Ролланд, Пингберг линияларидан келиб чиққан).

1939-1940 йиллардан бошлаб қора – ола моллар совхозларга ҳам келтирила бошланди. “Вревский” № 3 ва № 4 ҳамда “Малик” совхозлари ташкил этилди. Бу совхоздаги сигирлар бош сони голланд – остфриз моллари ҳар хил авлодлари, дурагайлари бўлиб, Волгаград наслчилик совхозларидан келтирилган сигирлар билан тўлдирилди.

Ўзбекистонда янгидан ташкил этилган наслчилик хўжаликларида голланд – остфриз сигирларининг тирик вазни 450 – 500 кг га тенг бўлиб, уларнинг сути 4500 кг га, ёғлилиги эса 3,2 – 3,5 % ларга тенг эди.

Ҳозирги даврда қора – ола зот молларини кўпайтириш бўйича Ўзбекистоннинг энг яхши наслчилик хўжалиги бўлиб, “Чиноз” наслчилик совхоз-техникуми ҳисобланади. Бу ерда 300 кунлик лактация даврида сигирлар 4000-4500 кг сут бериб, уларнинг тирик оғирлиги 550- 600 килограмми ташкил этади. Хўжаликда йил давомида олинган сут бўйича катта сондаги рекордчи сигирлар етиштирилган. Масалан “Ласточка” сигиридан 300 кунлик лактация даврида 10 003 кг сут олиниб, унинг ёғлилиги 3,6 % ни ташкил этган.

Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг “Қизил - Шалола” тажриба хўжалигида, “Чиноз” наслчилик хўжалигида, Занги-ота туманининг Ўзбекистон жамоа хўжалигида, Янги йўл туманининг собиқ “Ленинизм” жамоа хўжалигида ва Сирдарё вилоятининг “Малик” давлат хўжаликларида бу зотнинг ёш моллари яхши ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига эришилган.

Қора – ола зот тез етилувчан, бузоқлари туғилганда 36-42 кг тенг бўлади. Ёш моллари тез ўсиш қувватига эга бўлиб, 6 ойлик даврида ўртача суткада 700 – 800 граммдан қўшимча вазн бериб, тирик вазни 160-170 килограммга етади. Бир ёш бўлганда эса уларнинг тирик вазни 300 – 340 килограммга эришади. 6 – ойликгача бўлган ёш молларни мўл – кўл озуқа схемаси бўйича озиклантирган “Қизил-Шалола” хўжалигида ўртача суткалик ўсиш 770 граммни “Чиноз” наслчилик хўжалигида 720 граммни, “Малик” хўжалигида эса 720 граммни ташкил этган.

“Чиноз” наслчилик хўжалигида ташкил этилган зот гуруҳининг стандарти куйидагича: сигирларининг ўртача тирик оғирлиги 550 кг, ўртача сут маҳсулдорлиги 5000 килограмм, сутининг ёғи – 4 % дир.

Қора-ола зотли сигирлар нихоятда юқори (4000 - 6000 кг сут, ёғлилиги 3,6 - 4,0 %) маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ва МДХ давлаталари шароитида бу зотларнинг рекордсимен сигирлари 12 - 16 минг кг сут бериши билан машҳур. Зотнинг бузоқлари жадал ўсади ва 12 ойлигида туғилгандаги вазнига нисбатан 8,6 - 8,8 баробар, 18 ойлигида эса 12,0

баробар ошади. Қора - ола зот молларининг гўшт сифати ҳам яхши бўлади. Жадал равишда ўстирилганда букачаларининг кунлик семириши 1000 граммдан ошади. Етук ёшдаги сигирларнинг тирик вазни ўртача 500 - 550 кг, наслдор букаларнинг вазни эса 1000 - 1200 кг ни ташкил қилади.

Ҳайвонлар экстеръери бўйича нуқсонсиз бўлиши керак бўлиб, шубҳасиз машинада соғишга яроқли ва Ўзбекистоннинг тез ўзгарувчан иқлим шароитига мослашган бўлиши керак.

Қора – ола зотли моллар Ўзбекистонда кенг тарқалган. У ўзининг юқори сут маҳсулдорлиги, гўштининг сифати ва турли иқлим шароитларига мослашиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Ёш моллар ва новвослар юқори гўшт маҳсулдорлигини намоён этиш қобилиятигига эга. Турли сақлаш, озиқлантириш ва бўрдоқилаш шароитларига хос равишда уларнинг гўшт маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўзгаради. Жумладан ахталанган моллар “Қизил шалола ” тажриба хўжалигида ўртача озиқлантириш шароитларида парвариш қилинганда 18 ойлигида 412 кг тирик вазнга етган. Юқори озиқлантириш меъёрида новвослар вазни 500 кг га яқинлашган, юқори сифатли сўйим кўрсаткичларини намоён қилган (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, гўштга сўйилган новвослар 18 ойлигида 500 кг тирик вазнга етишида мускуллар билан тўлишган ҳолда ёғ тўқмалари билан қопланган 260 – 277 килограмм вазндаги гўшт нимталарини шакиллантирган. Лахм гўшт чиқимининг 80 фоиздан ва сўйим чиқимининг 59 фоиздан ошганлиги юқори семизликда сифатли гўшт олинганлигидан далолат беради. Гўшт кесимининг “мармарсимон” кўриниши мускуллар ва унинг толалари атрофида ёғ тўқмаларининг тўпланганлигини, унинг таъми ва тўйимлилигининг қанчалик ошганлигини кўрсатади.

1- жадвал

Қора – ола зотли новвосларнинг юқори озиқлантириш шароитларида гўшт маҳсулдорлиги

Курсаткичлар	Тажриба муаллифлари					
	Нортожиева М.		Мамажонов С.М		Нам Н.С.	
	Новвосларнинг ёши, ой					
	12	18	12	18	12	18
Бўрдоқилашдан олинадиган вазн, кг	317,5	484,1	338,7	508,8	356,0	500,1
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	283,3	456,0	326,0	488,8	318,6	470,2
Нимталанмаган гўшт оғирлиги , кг	143,8	265,1	173,0	276,8	170,3	259,1
Ички ёғлар оғирлиги, кг	3,5	7,1	5,2	12,1	4,7	14,1
Сўйим чиқими, %	52,0	59,7	54,7	59,1	54,9	61,2
Лахм гўшт чиқими, %	74,3	77,7	79,0	80,5	74,1	83,4

Қора - ола зотли молларнинг кам маҳсулли бўлган қисмини саноат чатиштириш усулида гўштдор герефорд, шароле, киан ва лимузин зотлари билан чатиштиришдан олинган новвосларнинг гўшт маҳсулдорлиги кўшимча 12 – 18 фоизгача ошади ва гўштининг сифати яхшиланади. Ушбу натижалар Ўзбекистонда синаб кўрилган ва амалиётга тавсия этилган.

Қора-ола голштинофриз зоти моллари. Голштино – фриз зоти АҚШ да 1861 йилдан бошлаб кўпайтирила бошлаган. Ҳозирги вақтда АҚШ да сигирларнинг 80 % дан кўпроғи голштино – фриз зоти сигирлари ташкил этади. 1967 йилда 2700 га подада 130 минг тоза қонли голштино – фриз зоти сигирлари мавжудлиги қайд этилган. Бу сигирларнинг лактация давридаги сути 6841 кгга, сутидаги ёғи 251 кг га тенг бўлган. 20 йиллик илмий текширишлар натижалари шуни кўрсатадики соғим сигирларнинг сут маҳсулдорлигини 50 % га ошириш мумкин. Биринчи туғум сигирлари 305 кунлик лактация даврида 5000 кг иккинчи туғум сигирлари 5473 кг сут бериш мумкин.



Моури Принц Коринс лақабли сигирдан 1 – лактация даврида 23045 кг сут олинган бўлиб, сутининг ёғлилиги 3,4 % ни, сутининг ёғ чиқими эса 702,8 кгни ташкил этган Бу маҳсулдорлик бўйича рекорд ҳисобланади.

Қора-ола голштино – фриз зоти ҳайвонлари хажмли озикалардан ва яйловдан яхши фойдаланилади. Гўшти тез тўлишиб боради, айниқса қурук даврда ва сут беришнинг- лактациянинг охирида ўртача суткалик кўшимча масса юқори бўлиб, гўштининг сўйим чиқими ҳам кеч етилувчан гўшт зотларига қараганда устун туради. Сигирларининг ўртача тирик вазни 680 кг га, буқаларининг тирик вазни 1000 кг га ва ундан юқори бўлади.

Ҳозирги пайтда кўплаб мамлакатларда қора-ола зотли қорамолларни такомиллаштириш мақсадида бу зотга қариндош голштин зотининг наслдор буқаларидан кенг фойдаланилмоқда. Чунки голштин зотининг сигирлари сут маҳсулдорлиги бўйича биринчи ўринни эгаллаб, уларнинг шунингдек елинининг мутаносиб ривожланганлиги ва машинада соғиш талабларига жавоб бериши, экстерерининг яхши ривожланганлиги, озукани сут билан юқори даражада қоплаши ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ҳайвон конституцияси маъносини англаш, конституция типлари классификацияси, ҳар бир тип ҳайвоннинг ўзига хос хусусиятлари, буларнинг боғлиқлиги, ҳайвон экстеръери, уни ўрганиш ва баҳолаш усуллари, ҳайвон танасида учрайдиган нуқсонлар, тана ўлчамлари, тана индексларини ҳисоблаш ва шулар асосида ҳайвонга баҳосини кўз билан чамалаш ёрдамида аниқланди.

Сут йўналишидаги қорамолларнинг конституциясини 10 баллик шкала ёрдамида баҳолаш.

№	Бажариладиган ишлар	Балл	Ишларни бажариш тартиби	Эскиз ёки расмлар
1	Умумий кўринишига баҳо бериш	3	Тана тузилишининг мутаносиблиги, конституциясининг мустахкамлиги, зот типининг ифодаланганлиги.	
2	Элин кўрсаткичлари ва баҳолаш	5	Хажми, безлилиги, шакли, сут веналари, олдинги ва орқа сургичлари, танага бирикиши, булакларининг бир текис ривожланганлиги.	
3	Ҳайвонларнинг оёқларини баҳолаш	2	Оёқларининг бакувватлиги ва куйилиши, туёқларининг мустахкамлиги ва шакли.	Олди ва орқа оёқлари
	Жами	10 балл		

Сут ва сут – гўшт йўналишидаги зотларнинг наслдор букалари экстеръери ва конституциясига қараб баҳолаш шкаласи.

Умумий ривожланиш ва тана қисмлари.	Баҳолашда ҳисобга олинadиган кўрсаткичлари	Балл
1	2	3
Умумий кўриниши ва ривожланиши.	Тана тузилишининг мутаносиблиги, конституциясининг мустахкамлиги, зот типининг ифодаланганлиги, эркак типининг ифодаланганлиги, мускулатураси, суяклари.	4
Тана қисмлари.	А) боши ва буйни, кукраги, ягрини, орқаси, бели, танасининг урта қисми, орқа қисми.	2

Оёқлари.	Б)олдинги ва орка оёқларининг бакувватлиги ва куйилиши, туёқларинг мустахкамлиги ва шакли.	
Элин кўрсаткичлари	Шакли, сўрғичлар, узунлиги айланаси ва х.к.	3
	Жами баллари:	10.

Қуйидаги жадвал Пастдарғом туманидаги чорвачиликка ихтисослашган “Бешбола” фермер хўжалигидаги соф зотли қора-ола, голштин ва уларни голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин авлодларини 18 ойликдаги урғочи ва эркак таначаларнинг экстерьер кўрсаткичини кўз ҳамда улчамлар асосида баҳолаб олинган маълумотлар асосида тана тузилиш индекслари ҳисоблаб келтирилган.

Биз, ҳайвонларни тана тузилиши тўғрисидаги маълумотларни 1-жадвалда келтирдик. Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, соф зотли голштин зотига мансуб ҳайвонлар (II ва V- гуруҳлар) бошқа гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан юқори кўрсаткичларга эришишди. Хусусан V-гуруҳдаги букачалар 18 ойлигида ўз тенгқурлари I, II, III, IV ва VI-гуруҳлардаги ҳайвонларни тегишлича, яғрин баландлиги бўйича: 0,3; 1,2; 1,9; 1,6 см, кўкрак чуқурлиги бўйича: 5,1; 0,5; 1,0; 0,3 см, кўкрак эни бўйича: 0,6; 0,2; 0,8; 0,1; 0,8 см, кўкрак айланаси бўйича: 3,5; 3,0; 4,2; 4,0; 0,9 см, танасининг қия узунлиги бўйича: 5,0; 4,2; 3,3; 1,3; 0,6 см, орка дўнг суяк эни бўйича: 3,1; 2,6; 1,3; 0,8; 0,64 см, пойча айланаси бўйича: 1,0; 0,3; 1,1; 0,9 ; 0,2 см орқада қолдиришган.

1-жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг 18 ойликдаги тана ўлчамлари

Тана ўлчамлари	Г у р у х л а р					
	I	II	III	IV	V	VI
Яғрин баландлиги	115,5	114,6	113,9	116,4	115,8	114,2
Кўкрак чуқурлиги	65,0	69,6	69,1	69,1	70,1	69,8
Кўкрак эни	42,0	42,4	41,8	42,6	42,6	41,8
Кўкрак айланаси	176,5	177,0	175,8	176,0	180,0	179,1
Танасининг қия узунлиги	126,4	127,2	128,1	130,1	131,4	130,8
Орка дўнг суяк эни	41,0	41,5	42,8	43,3	44,1	43,5

Пойча айланаси	19,1	19,8	19,0	19,1	20,1	19,8
-------------------	------	------	------	------	------	------

Фақатгина улар 18 ойлигида яғрин баландлиги бўйича IV гуруҳ тенгқурларидан орқада қолишган. Шунини таъкидлаш лозимки, ўсиш жадаллиги ва гўшт маҳсулдорлиги билан боғлиқ бўлган кўкрак чуқурлиги, кўкрак эни, кўкрак айланиши, орқа дўнг суякларининг эни ва пойча айланиши каби ўлчамлар ҳам урғочи ҳайвонларга қараганда буқачаларда ҳар икки ёшда ҳам юқори бўлган. Чатишма ҳайвонлар организмнинг компактлиги ва зичлиги билан характерланган. Бу фикрнинг соф зотли ҳайвонлар тўғрисида айтиб бўлмайди.

Тана ўлчамлари бўйича аниқланган фарқлар, тана тузилиш индексларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Буни биз 2- жадвалда келтирилган маълумотлар натижаларидан ҳам билсак бўлади. Тана тузилиш индекслари ҳайвонларнинг экстерьерини баҳолашнинг энг қулай ва объектив усули ҳисобланади.

2- жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг 18 ойликдаги тана тузилиш индекслари, %

Индекслар	Г у р у ҳ л а р					
	I	II	III	IV	V	VI
Узуноқлилик	43,7	39,3	39,3	40,6	39,5	38,9
Чўзинчоқлик	109,0	111,0	112,5	111,8	113,5	114,5
Кўкрак	64,6	60,9	60,4	61,6	60,7	59,9
Тос-кўкрак	102,4	97,9	97,7	98,3	96,6	96,1
Зичлик	152,8	154,5	154,3	151,2	155,4	157,1
Суякдорлик	16,3	17,3	16,7	16,4	17,4	17,3

Жадвал таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, узунқўлиқ индекси, тажрибадаги ҳайвонларни оёқларни нисбий узунлигини ифодалаб, ёш ортиши билан унинг қиймати камайиб борган. Ҳайвонлар танасининг узун ёки қисқалигини кўрсатадиган чўзинчоқлик индексининг кўрсаткичи, ёш бўйича ортиб борган. Бу индекс, асосан букачаларда юқори бўлган. Лекин энг юқори кўрсаткич III ва VI гуруҳлардаги ҳайвонларда кузатилган.

Кўкрак ва тос-кўкрак индекслари ҳайвонларнинг ёши ортиши билан камайган, бу индекслар бир-бирини тўлдириб кўкракнинг ривожланганлигини кўрсатади.

Тана массаси билан бевосита боғлиқ бўлган, зичлик индекси ҳақиқатдан ҳам жадал ўсган ҳайвонларда юқори бўлган. Жумладан, тажрибанинг барча ойларида катта тирик вазнга эга бўлган VI- гуруҳдаги чатишма букачалар ўзининг 18 ойлигида бу индекс бўйича ўз тенгқурлари I, II, III, IV, V- гуруҳлардаги ҳайвонларни тегишлича: 4,3; 2,6; 2,8; 5,9; 1,7 фоиз орқада қолдирган.

Суякдорлик индекси бўйича гуруҳлараро ишонарли даражада фарқ кузатилган. Бунда чатишма ҳайвонлар соф зотлиларга ва букачалар эса урғочи таналарга нисбатан ижобий натижалар беришган. Барча гуруҳлардаги ҳайвонлар ва айниқса II, III, V, VI- гуруҳлардаги ҳайвонларда кўкрак яхши ривожланган ҳамда улар мутаносиб тана тузилишига эга бўлишган.

Хулоса.

Умуман олганда, ўтказилган изланишлар ёши ва жинсидан қатъий назар, соф зотли ва соф зотли қора-ола зотига мансуб сигирларни голштин зотли насли буқалар билан чатиштириш натижасида олинган чатишма авлодлар, қора-ола зотли тенгқурларига нисбатан яхши ривожланган кўкрак кўрсаткичларга эга эканлигини кўрсатди. Улар танасидаги морфо-физиологик жихатдан бир - бирига боғлиқ бўлган, бир ўлчамини, иккинчи ўлчамга бўлган нисбати ҳам айнан голштин зотига ва уни чатишма

авлодларида яхши бўлган ҳамда бу кўрсаткичлар маҳсулдорлик билан бевосита боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абылкасимов Д.А. и др. Степен реализации потенциала продуктивности и типа телосложения. // Зоотехния. 2011. №6. С 2-4.
2. Аширов Б., Максудов И. Сигирлар маҳсулдорлик хусусиятларининг конституция типларига боғлиқлиги. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2011. №6. 22-33 б.
3. Носиров У.Н. -Қорамолчилик. Тошкент. 2001. 384 б.
4. Собиров П.С., Кахаров А.К., Дўсткулов С. Чорва молларини урчитиш. Тошкент 2002. 352 б.